

ЧОРВАЧИЛИК— МАЪМУРЧИЛИК

Калинин районидаги Ленин номи колхоз
раиси Ғиёс УМАРОВ ҳикоя қилади

ҲАРАКАТДА—БАРАКАТ

КИШЛОҒИМИЗ бир томондан қардош Қозоғистон республикаси ерларига туташиб борган. Колхозимиз даладарини, боғларини, қишлоқларини бир томондан Келес дарёси, иккинчи томондан Зоғариқ канали айланиб, ўраб ўтди.

Илим жуда шифобахш, ерларимиз унумдор. Боғларимизда битган узум-мевалардан бол томади. Уни шу ерлик соҳибдорлар, меҳнаткаш деҳқонлар, азамат механизаторлар бунёд этмоқдалар. Уларнинг меҳнатлари туфайли бойлигимизга бойлик, қишлоғимиз чиройига чирой қўшилмоқда. Кишиларимизнинг турмуши йил сайин яхшиланиб бораётир.

Ана шу қувончли натижаларни кўз олдимизга келтирганимизда яқиндагина орқада қолиб, қолон колхоз саналиб кел-

ган ҳўжалигимизнинг етти-саккиз йил илгариги турмушини дилдан ўтказамиз.

Ҳақиқатан ҳам, 1960 йилгача, ҳатто ундан кейинги биринчи йилги даврда ҳам айтарлиқ ютуқларимиз йўқ эди. Қўни-қўшиларимиз эса экинлардан ҳосил олишда ҳам, бошқа соҳаларда ҳам биздан олдинда эдилар. Биз уларнинг ишига ҳавас билан қарадик. Шу ҳўжалиқлар сингари илгорикича эришиш йўлларини ўйлардик.

Колхоз правлениеси, партия ташкилотиди муҳомама қилиб қишлоқнинг кеска деҳқонлари, боғбонлари, чорвадорларини йиғиб, маслаҳатлашшга, ана шу маслаҳат мажлисида эртаги кун ишларимиз режасини тузишга қарор қилдик.

Шу йилгишда кеска колхозчилардан бири бундай деди:

— Жуда яхши ўйлабсизлар, маслаҳатли иш тарқамас. Биздан гап сўрайдиган бўлсаларингиз, юрагимизда айтадиганларимиз кўп. Мен шу ерда туғилиб ўсганман. Ота-бобом ҳам шу ерлик. Ҳақиқатан ҳам ерларимизнинг умри бекорга ўтаётганини кўриб, ачинаб юрардим. Биз айтганимиз билан олдинги раҳбарларимиз «а» энди бўёғи ўзиниға маълум, мазмуниди гап айтишиб, бизни писалд ҳам қилишмасди. Келес дарёсига яқин жойларда паст-баланд тепалиқлар кўп. Уларни текислаб, экин асос бўлади, боғ қилсак яна ҳам яхши. Йилгитерим вақтида далааларга бориб, ачинаб кетаман. Пайкалнинг тўрт томони икки-уч метрлик уват. Ерларни шунақа исроф

қилиш инсофданим? Йўқ, бир қарич ҳам ер бекор қолмайдиган бўлса, ҳосилимиз кўпаяди. Агар ферма ҳовлисида, хонадонларда, уер-бу ерларда уюлиб етган гўнларни чиқариб, далага солсак, ерларимизни ардоқласан, бизни ноумид қилмайди. Деҳқонлар ерга бирини берсанг, уи баравар қайтиб беради, дейишди.

Шу мажлисда бошқалар ҳам куйиб-пишиб, колхоз ишига жон қилиб тапширишди. Бу гаплар қозоғга ёзилганича қилиб кетмади. Ҳаммаси амалга оширилди. Ўша йили колхоз ҳўжалиги ана олдинга силжиди. Одамларда астойдил меҳнат қилиш, яхши натижаларга эришиш мумкин эканлиги ҳақида катта ишонч пайдо бўлди. Бу ишнинг юришидан дарак беради.

Ҳақиқатан ҳам меҳнатга, бу меҳнат натижасига ишонч бўлма туриб, эртаги ютуқни қўлга киритиб бўлмайди. Одамларга ишониб, участкаларнинг топирилиши, уларга ташаббус кўрсатиб, меҳнат қилиш учун имконият яратиб берилганлиги ютуқларга эришишда гаров бўлди.

Колхозда юқорига кўтарилиш бошланганда олдимизда ҳўжаликнинг комплекс ривожлантиришдан масала кўндаланг бўлиб турарди. Асосан, сабзавотчилик колхозга бўлган ҳўжаликда муҳим тармоқ ривожлантирилган бўлган. Ердагиди тармоқлар кўндалангидек бўлмас, колхоз кассасини боийтиш мумкин эмаслиги ҳаммага равшан эди. Шунинг учун биз колхозда асосий тармоқлардан яна бири бўлган чорвачиликни ривожлантиришга, бунинг учун қатор тадбирларни белгилаб, бу ишга астойдил киришдик.

Звено бошлиғи Илҳом Ортиқовнинг ўзи ер ҳайдайди, экин экади, парварши қилади, йиғиштириш пайтида маккажўхори ўриш қомбанини ҳам ўзи бошқаради. Қолган олти киши эса асосан экинларни сугориш ва бошқа ерданчи ишларда қатнашадилар. Натижада маҳсулотнинг таннарихи мўлжалдагидан анча ортиқ (масалан 1968 йилда бир центнер силос 0.2 тийинга) тушди. Шунга қараб, сутнинг таннарихи ҳам кескин камайди. 1960 йилда бир центнер сут 22 сўмга тўғри келган бўлса, ўтган йили 13 сўмни ташкил этди. Мўлжалимиз—бу йил яна ҳам арзонроқ сут етиштириш.

Биз ем-хашак етиштиришда илгариги эски қондан йўқ қилдик. Ҳозирги пайтда маккажўхори уч даврга бўлиб экилади. Сигирларимиз ёз пайтида ҳам, куз пайтида ҳам, қишда ҳам силос, унинг сўтали кўк поиси билан боқилади. Бунинг натижасида молларнинг сутти кўюқ бўлмоқда. Бизга сутнинг ёғлиги 3.8 процент қилиб планлаштирилган. Биз эса моллар боқимини яхшилаш ҳисобиға сутнинг ёғлигини 4.2—4.4 процентга етказмоқдамиз.

Ана шунинг учун ҳам колхозимиз сутчиликдан катта даромад ва фойда олмақда. Чунончи, 1968 йилда сут заводи бизнинг колхоздан сермой сут қабул қилиб олгани учун бизга 17 тонна сутни қўшиб ёзган. Чорвадорларимиз бу дастлабки ютуқни мустақамлаш ва келгусида сутни кўпайтириш билан бирга унинг ёғлигини яна ҳам оширишга ҳаракат қиладилар.

1963 йилга қадар чорвачиликдан ҳар йили 5—10 минг сўм зарар кўриб келинарди. Юқорида айтганимиздек, чорвачиликка бўлган муносабат тубдан ўзгарган, ҳозирги пайтда ҳар йили 15—20 минг сўмдан соф фойда олинмоқда. 1968 йилда сутчиликнинг ўзидан 15 минг сўм фойда колхоз кассасига тушди.

Комплекс чорвачилик бригадасида ҳеч партия ташкилотини тузилгани ва бу ерда коммунистлар чорвачиликни ривожлантириш соҳасида чинакамга ташаббус кўрсатиб меҳнат қилганликлари, авангардлик намуналарини кўрсатаётганликлари учун ҳам ана шундай қувончли натижалар қўлга киритилмоқда.

Колхозимизда сут соғишни кўпайтириш учун астойдил меҳнат қилаётган, бу йўлда ўз шогирдларига эга бўлган кишилар бизда кўп.

Қишлоғимизда Жамол опа ни Хўрмаглаб «чорва дор» а. р. онахонини дейишди. Бу йўлда Қорабоева 1941 йилдан бери колхозда сут соғайди. Унинг қизи ҳам, келин-қуёвлари ҳам фермада ишлашади. Жамол опанинг ўзи 17 сигирни соғайди. У ҳар бир сигирдан 1800—1800 килограммдан сут соғиб олмақда. Ўтган йили пландан таққари соғқан сутни учун 600 сўм қўшимча ҳақ олди.

Сутчилик фермасида сут соғувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш яхши йўлга қўйилганлиги учун ҳар бир киши ўз боқимдаги сигирлардан кўплаб сут соғиб олиншга эришаётир. Бизда сут нормида белгиланганидан ортиқча соғиб олинган сутнинг 50 проценти, жумладан, 35 проценти сут соғувчига, 10 проценти молбоқарга, 5 проценти эса ферма раҳбарларига тақсимлаб берилади. Бу жуда яхши натижа берибди. Одамларнинг ўз меҳнатлари эвазига бундай моддий рағбатлантириш умумий юксалишга эришишда катта роль ўйнамоқда.



СУРАТДА: (чапдан ўнгга) комплекс чорвачилик бригадасининг бошлиғи Н. Ҳақимов, колхоз раиси Ғ. Умаров, ферма табелчиси Х. Акрамов ўртоқлар.



ЕШ ва ишчан сут соғувчилардан (чапдан ўнгга) Инобат-Абдуллаева ва Тоня Шербаковалар иш бошладан олдин суратга тушишди.

ОЛИМЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

БИЗ ҲАР ойнинг бешинчи числининг ЧОРВА КУНИ деб белгилаб қўйганмиз.

Шу кунни ўтган ойдаги чорвачилик ишларига яқин ясалди. Ана шунда ўтган муддатда беришган топириқ қандай байкарилди, бу ойда аввалги ойдагига нисбатан кўп сут соғиб олинди, икки сут соғиб олинган камийиб кетди, ҳисоб-китоб қилиб қўрилади. Агар камийиб кетса, навбатдаги ойда йўл қўйилган намчиликларни тутатиш чоралари қўрилади. Масаланнинг далоли томонига яхши эътибор берилмаганлиги аниқланади. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши, ойна-ой, квартал-ма-квартал ишларимиз кўздан кечириб борилаётгани сабабли йилнинг муваффақиятли якунланиши учун инималар қилиш кераклигини олдиндан билиб оламиз.

Ана шундай чорва кунини йиғишларидан бирида ферма ходимлари январь-февраль ойларидан туғилган бузоқларни нимачунидир ноубуд бўлаётганлигини айтишди. Биров ундай, биров бундай, деди. Хуллас аниқ бир қарорга келолмадик.

Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтидида мутахассисларга мурожаат қилдиган бўлдик. Институт ходимлари илтимосимизга кўра, колхозга келишди ва фермаимиздаги ишлар билан агрофлича таништиришди. Уларнинг фикр ва мулоҳазаларини навбатдан чорва куниди муҳомама қилдик.

Олимлар январь, февраль ойларидида туғадиган сигирларга кўнжара, силос беришда маълум бир норма бўлиши, сигир-

лар туғишдан икки ой илгари бокунига жуда эҳтиёт бўлиш зарурлигини айтишди. Кўнжара сигир сут беришти, деб то туққунча соғилар, унинг сутини кўпайтириш учун бошқа сигирлар қатори кўп миқдорда кўнжара ва силос берилади. Олимларнинг айтишича, кейинчалик ўзимиз ҳам бунни тажирбада кўрдик, туғадиган сигирлар икки ой илгари эҳтиёткорлик билан парварши қилинмаса, янги туғилган бузоқларнинг ноубуд бўлишига сабаб бўлиши маълум бўлди.

Қувонч билан айтиш мумкин: олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини амалга ошираётганимиз, ўзимизнинг тажирбамизга амал қилаётганлигимиз учун кейинги тўрт-беш йил ичидида сигирлардан бузоқ олиш яхшиланади. Уларни сақлаш, ўстириш кўнгалдангидек бўлиб қолди. Бузоқларнинг ноубуд бўлиши мутлақо йўқотилди. Ҳозирги пайтда юз сигирдан юзта бузоқ олинмоқда ва улар тўла сақлаб қолинаётир.

Бундан ташқари, бузоқ сигирларни боқиниға алоҳида киши ажратдик. У молни то туққунга қадар парварши қилади. Бузоқ туғилгач, то олти ойлик бўлгунча бошқа одам боқди. Агар ана шу икки киши бузоқларни тўла сақлаб қўлса, уларнинг ҳар бирига мукофот тариқасида биттадан бузоқ берилади.

Чорвачиликни ривожлантиришга, унинг маҳсулдорлигини оширишга қаратилган ана шундай тадбирлар амалга оширилаётгани учун биз ҳўжаликнинг бу асосий соҳасида ҳам катта даромадга эришаётимиз.

Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институти ходимлари бизда тез-тез бўлиб туришади, маслаҳатлар беришади.

КОЛЛЕКТИ ҳўжалик, агар у шаҳрга яқинроқ бўлса меҳнаткашларни деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик маҳсулотлари билан ҳамма вақт мўл-кўл таъминлашга мажбур. Агар шу мажбурият тўла ҳис этилмаса, очигини айтиш керак, ҳўжаликнинг агрофлича ривожлантириб бўлмайди. Биз яхши биламиз, шаҳарга кўплаб сабзавот, қовун-тарвуз, меначева юбориш зарурлигини. Шунинг учун қишлоғимиз кишилари ана шу деҳқончилик эканларидан йил сайин муттасил мўл ҳосил етиштиришга ҳаракат қилимоқдалар. Бу йил пландаги 3.310 тонна ўрнига 3.580 тоннадан ортиқ сабзавот етказиб берилди. Яна 400 тонна маҳсулот топириш ҳаракатидамиз. Картошқа, планин ҳам, қовун-тарвуз етиштириш ишлари ҳам шу зайдда ошириб адо этилди. Ғулом Чўйбеков бригадаси гектаридан 35 тоннадан помидор, Нурмат Султонов бригадаси эса 16 тоннадан эртаги картошқа, Шаробой Назаров бригадаси 16 тоннадан сабаи, 40 тоннадан қарам йиғиштириб олди.

Деҳқонларимиз, чорвадорларимиз йилин муваффақиятли якунлаш, 1970 йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаб қўйиш, чорва қишлоқини бекам қўйишга ўтказиш, молларни қишдан сениз ва соғлом олиб қишқи тадбирларини кўрмоқдалар. Биз бундан кейинги ҳамма юмушларни вақтида бажариб, келгуси йилда буладиган катта тўй—доҳимиз Лениннинг юбилейни меҳнатда яхши натижаларга эришиш билан қўтиб оламиз.

ИЛГОР ЧОРВАДОРЛАР.



М. Эшонов,



Э. Шерматов,



З. Исомов,



Кузнинг очиқ ҳаволи кунларида колхоз моллари бедапойларда ёйилиб боқилади. Суратда: Келес дарёси бўйида боқилаётган моллар.

А. Абалая фотолари.



ПАХТА йиғим-терим кампанияси қизгин давом этаётган мана шу кунларда Ўрта Чирчиқ район маданият уйининг автоклуби бағча хўжаликларида бўлиб далада ишлаётганларга маданий хизмат кўрсатмоқда. Автоклубда кутубхона, маданий газет ва журналларнинг подиумкалари, шод усти ўйинлари мавжуд. Автоклуб билан биргаликда дала шўйонларига бағдий хавасдорлар ҳам ташриф буюришмоқда. Улар ўзларининг қўниқ қўй ва ўшшаклари билан дала меҳнатчиларининг кўнглини шод этишмоқда. Суратда: бағдий хавасдорлар райондаги Свердлов номида колхознинг 1-бригадаси дала шўйонига концерт беришмоқда.

В. Литвинов фотоси.


Ўнги шўрлар

Йўллар

Чорлаб турар қаршимда чексиз
Уфқларга туташган йўллар.
Одмила тез қолдир ўчмас из —
Дея кутар саҳролар, чўллар.
Йўл босаман, манзилим узоқ,
Давоилардан ошмоғим даркор.
Уммон сари итилган йироқ,
Қаби жўшиб, шўшмоғим даркор.
Сопилар танимат, бирок
Осмон эмас қўймоғим қадам.
Ҳаётда йўл равонмас, бир боқ,
Тобланмаса адашар одам.
Ҳар бир йўлнинг ўзи бир тилсим,
Ҳар қадам учрар бир тўсиқ,
Кимда бўлса маҳорат билим,
Йўл қалинли ишлатар аниқ.
Ҳаёт йўли равонмас ҳар дам,
Йўл юрмасдан турсаймайман ҳам...
М. РАҲМОНОВ.

ОНАМГА

Ғам чексам ғамимга ҳамдам ҳар нафас,
Қаңча хизмат қилсам арзир онамга,
Муътабар исмини ардоқлаб доим,
Шод бўлсам шодлиги сизмга оламга.
Унинг меҳри билан чароғон ҳаёт,
Унинг қалб қўридан нур олар қуёш.
Унинг озулар ёзади қанот,
У борки бахт менга мангута йўлдош.
ФАИЗУЛЛА ЗИЕДУЛЛАЕВ.



Москвадаги В. И. Ленин Марказий музейининг пойтахт тизимдаги филиали қурилиши олиб боришмоқда. Суратда: музейнинг умумий кўриниши.

Реклама Эълонлар ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
9.55 — Кўрсатишлар программаси.
Ўзбек тилида: 10.00 — Зирин хандаси, 10.40 — Оқ йўл, зангори кушча (бағдий фильм).
12.00 дан — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КўРСАДАИ
16.55 — Кўрсатишлар программаси, 17.00 — Телевизионлар (рус тилида).
Ўзбек тилида: 17.10 — Қувноқлар давраси (болалар учун), 17.40 — Йўл-йўл юзли (телефильм), 18.00 — Олов қалбли кишилар («Ешлик», студияси), 18.40 — Пахтакорлар октябр олд бахтаси, 18.50 — Концерт, 19.40 — Телевизионлар, 19.55 — Кўрсатишлар программаси.
20.00 дан — Москва кўрсатади.
ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КўРСАДАИ
ЎЗБЕК КўРСАДАИ
Ўзбек тилида: 10.30 — Олий математика, 11.30 — Чизма геометрия, 14.30 — Силезия интисод (сирдан қўйилган студентлар учун).
15.30 дан — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КўРСАДАИ
Ўзбек тилида: 20.00 — Спорт ҳафта ичиди, 20.20 — Шеърлар муҳлисига, 20.35 — Халқ куйлари, 21.30 — Қотан қанчоқлар (бағдий фильмнинг 2-серияси).
Учинчи ПРОГРАММА
Рус тилида: 15.00 — Футбол, ВЛКСМ Марказий комитетининг «Умид» мукофоти бўйича финал ўйинлари. Ўзбекистон — Украина, 16.45 — Қасамга содиқ (телефильм), 17.10 — Тенис бўйича СССР шахсий биринчилиги мусобақалари.
18.00 дан — Душанба кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТАТ ТЕАТРА — 1/ХI де Корсар, 2/ХI де мундоқ Доктор Аббас, 3/ХI де мундоқ Тубабдулло.
ХАНЗА — НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/ХI де Шех Эдип, 2/ХI де Аяноларим, 3/ХI де мундоқ Мушкетер, 4/ХI де мундоқ Мушкетер, 5/ХI де мундоқ Мушкетер.
ТОШКЕНТ ДЛАТ ЦИРКИДА — Ийртқи хайвонлар аттракцион.

КИНО

Халокат (1 ва 2-серия) — «ЧАН-КА» (кундуз ва кечкурун), САНЪАТ САРОНИ (кундуз соат 2-15, 5-30 ва кеч 8-45 кундуз).
Тунағи портлаш — «НОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкурун).
Угро-рени — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечкурун).
Сангам (Ўзбек тилида) — НАВОЙИ НОМЛИ (кундуз ва кечкурун).
Шилин-бешоқчи — «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун).
Жамил — САНЪАТ САРОНИ (кундуз соат 11 ва кундуз 12-45 кундуз).
Эркан ва аёл — «СПУТНИК» (кундуз ва кечкурун).

«Тошкент ҳақиқати» газети редакциясига малакали машинистка
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Правда Востока кўчаси, 26-уй, 4-қават, 107-хона.

АСРДАН ЎЗГАН ОТАХОН

Шу кун Калнин районидagi Навойи номили колхознинг каттадан кичиги, ёру дўстлар, қариндош-уруғлар Исом буваини муборакбод қилгани йиғилишди. Табарруқ отахоннинг 106 ёшга тўлиши ва шу муносабат билан ўтказган тўй тантанаси барча қишлоқ аҳолининг шодлиғига айланган.
Негак, Исом бува ўзининг баракали умрини халқ, мана шу ҳамқишлоқлари хизматига бағишлаган. Айниқса, отахоннинг Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари, колхозчилик даврида кўрсатган ғайрат-шикоати, Улуғ Ватан уруши йилларидаги фаолияти диққатга сазовардир. Партия ва ҳукуматининг унинг хизматларини муносиб тақдирлади. Отахон меҳнат фронтида кўрсатган жасорати учун талай

гина орден ва медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.
Тантанали Навойи номили колхоз раиси Нурилла Сандов очиб, 103 ёшли Низом бува, Юсулани бува ва бошқа нурулий отахонлар даврасида суҳбатлашиб ўтирган Исом буваини муборакбод билан табриқлайди, унга узоқ умр тилайди, колхоз аъзолари номидан қимматбахо совғалар топширади.
35 неварга, қатор чевараларнинг севиниб бобосини табриқловчилар бехисоб эди. Уларнинг ҳар бири Исом бува Имомхўжаевга энг яхши тилаклар тилади, унинг ажойиб хизматлари ҳақида илқ гаплар айтишди.
У. ЭГАМБЕРДИЕВ.

ҲАР ТЎҒРИДА МИНОРАДА СОАТ

Россияда минорага ўрилатган биринчи соат 1404 йилдан бошлаб юра бошлаган. Бу соатини ҳам руҳоний, ҳам механик бўлган Лазар Сербин Москвадаги Спасск (собиқ Фролов) башнясига ўриётган.
ЭНГ ҚАДИМГИ НОН
Цюрихдаги музейда ҳозиргача энг қадимий нон бўлган сақланган. Бу нон тош асрида, бундан олти минг йил муқаддам ёшилган экан. Уни археологлар қургани кўннинг остидан топилган.
ПЛАСТМАССА ГИЛДИРАКЛАР
Пластмасса илгари ме тал «хумирон» бўлган соҳаларини бирин-кетин «эгаллаб» боришганди. Ҳатто ГФДда темир йўл вагонлари учун пластмассадан асалган гилдираклар пайдо бўлди. Пластмасса сингдирилган ойна толасидан ишланган бундай гилдираклар одатдаги чўян гилдиракдан 60 фоиз енгилдир.

ЎН САККИЗ ХОНАЛИ БЕЛАНЧАК

Ҳеч ажабланманг, одамзод боласи ўн саккиз хоналик эмас, ҳатто икки хоналик беланчани ҳам қўрган эмас, ўйлаймики, бундан кейин ҳам қўрмас керак.
Лекин, баъзан ҳаётда шунга ўхшаш воқеалар учраб туради экан. Пойтахт шахримизнинг Куйбишев район ижроия комитети билан 22-уй-жойдан фойдаланиш конторасининг раҳбарлари «Красновосточный» кўчасидаги ўн саккиз оила бола-чақаси билан ўн саккиз оила уйи икки йилдан буён «беланчак қилиб, тебрати» келишмоқда.
Таажуб, шундай салобатли уйни қандай куч билан «тебрати» келишляпти экан, дерсиз. Нўр, улар куч билан эмас, ўн саккиз оила ўтирган бу уйни икки оғиз гап билан «тебрати», бир-бирларига «ошириб» келишляпти. Зероки, улардан бири қиттақ бош қотириб, оғзини меҳнат сарфлаганлариди, эди, бу оилалар хархаша қилмаган, бу пингил фелбетон ёзилмаган бўлур эди.
Маълумки, беланчакда шаронг яхши бўлса, хархаша намроқ бўлади. Гудак яхши ухлаб, яхши ором олади. Лекин ўн саккиз оила бу уйда нормал яшаш учун шароит яратиб берилмаган. Уйнинг ичарисиди ҳам, ташқарисиди ҳам канализация деган гап йўқ. Водопровод тармоқлари икки йилдан буён ишламайди. Кишилар яшаётган хоналар эса ремонталаб бўлиб ётибди. Шундай бўлгач, улар район раҳбарларига мурожаат қилишлари турган гапди.
Шундай ҳам қилинди. Бу ўринда ижроком билан 22-уй-жойдан фойдаланиш контораси раҳбарларининг қуруқ гап билан ишни бир-бирларига «ошириб», масъулиятни бўйинлардан қочиш қилиш санъатларига қўйил қилиш керак.
Ўтган йилнинг бошлари эди. Ремонт қилиб беришни талаб қилган кишиларга 22-уй-жойдан фойдаланиш конторасининг бошлиғи ўртоқ М. Махмудов:
— Қўп хархаша қилаверманглар, ижроком сизларни лиянда янги уйга ўтказмоқчи, дардинизни ўшаларга айтинг, — деди.

«ҚУЛБОЛА» МАШИНА

Ғайритабиий бу автомашинани Пермь кўчаларида учратиб кўнминг. Ташини кўннингидан у худди қайси эслатади. Бу машина шахарнинг асфальт кўчаларидан олти гилдиранда елиб боради. Юриш тезлиги «Запо»
«Торпедо» учрашуви 1:0 ҳисобида автозаводчилар фойдасига ҳал бўлди. Бу ҳисоб Ленинградда ҳам қайд қилинди. «Зенит» Бокунинг «Нефтичи» командаси дарвозасига ягона тўп киритиб, икки очко олди. «Черноморец» — «Шахтер» — 2:0 ҳисобида тугади.
«Умид» кубоғи финалида қатнашган Ўзбекистон терма командаси учинчи турда РСФСР футболчиларига ютказиб қўйди. Ҳисоб 1:3. В. Наузов дарвозасига уччала тўпни меҳмонлар ҳужумчиси С. Гришин киритди.

«ҚУЛБОЛА» МАШИНА

Ғайритабиий бу автомашинани Пермь кўчаларида учратиб кўнминг. Ташини кўннингидан у худди қайси эслатади. Бу машина шахарнинг асфальт кўчаларидан олти гилдиранда елиб боради. Юриш тезлиги «Запо»
«Торпедо» учрашуви 1:0 ҳисобида автозаводчилар фойдасига ҳал бўлди. Бу ҳисоб Ленинградда ҳам қайд қилинди. «Зенит» Бокунинг «Нефтичи» командаси дарвозасига ягона тўп киритиб, икки очко олди. «Черноморец» — «Шахтер» — 2:0 ҳисобида тугади.
«Умид» кубоғи финалида қатнашган Ўзбекистон терма командаси учинчи турда РСФСР футболчиларига ютказиб қўйди. Ҳисоб 1:3. В. Наузов дарвозасига уччала тўпни меҳмонлар ҳужумчиси С. Гришин киритди.

«СПАРТАК» ЧЕМПИОННИ ЕНГДИ

Мамлакат биринчилигининг ҳақ қилувчи учрашувларидан бири 30 октябрда Киев шаҳрида бўлди. Мамлакат чемпионолари тунир пешкадани «Спартак» билан учрашди. Қийин матчида (ўйин давомида қор бў-

дарвозасига йўл топа олмадилар. «Спартак» дарвозабони учрашувнинг чинакам қаҳрамони бўлди. Шу билан спартакчилар масъумда иккинчи марта чемпиони устидан галабага эришди. Бу галаба уларни олтин медалга жуда яқинлаштириб қўйди. Энди пешкада ЦСКА билан икки марта ўйин ўтказида. Киевликларнинг тўрта учрашуви қолди. Улар Ленинград ва Тбилис футболчилари билан икки мартадан ўйнашади. Ҳозирча «Спартак» 24 ўйиндан 40 очкога, Украина

пойтахти футболчилари 22 ўйиндан 35 очкога эга.
Гарчи Киевдаги ўйинда энг натижалли ҳужумчи Осалин муваффақиятга эришган бўлса ҳам, мерганлар баҳсида ростолик Проскурни ва Херхадзе олтин медалга жуда яқинлаштириб қўйди. Энди пешкада ЦСКА билан икки марта ўйин ўтказида. Киевликларнинг тўрта учрашуви қолди. Улар Ленинград ва Тбилис футболчилари билан икки мартадан ўйнашади. Ҳозирча «Спартак» 24 ўйиндан 40 очкога, Украина

«Торпедо» учрашуви 1:0 ҳисобида автозаводчилар фойдасига ҳал бўлди. Бу ҳисоб Ленинградда ҳам қайд қилинди. «Зенит» Бокунинг «Нефтичи» командаси дарвозасига ягона тўп киритиб, икки очко олди. «Черноморец» — «Шахтер» — 2:0 ҳисобида тугади.
«Умид» кубоғи финалида қатнашган Ўзбекистон терма командаси учинчи турда РСФСР футболчиларига ютказиб қўйди. Ҳисоб 1:3. В. Наузов дарвозасига уччала тўпни меҳмонлар ҳужумчиси С. Гришин киритди.